Ассалому алайкум, муҳтарам газетхон!

# Ангор ёғдуси

Газета 1980 йил 26 ноябрдан чиқа бошлаган
Ижтимоий-сиёсий газета
Халқ депутатлари Ангор туман Кенгаши ва туман ҳокимлигининг газетаси
2020 йил 15 октябрь
№ 18 (3326) пайшанба.

## Туман янгиликлари

## Пахта йиғим—терими авжида

Айни кунларда далаларда қийғос очилган пахталарни йиғиб-териб олиш ишлари амалга оширилмоқда. Теримчилар учун барча шароитлар яратилган. Шунингдек, терим пуллари ўз вақтида берилмоқда. “Занг Гиламбоб” маҳалласи ҳудудидаги “Ангор Сурхон ғурури” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери далаларида мавсумий ишга жалб этилган теримчилар билан шартномалар имзоланган.

-Теримчилар учун иссиқ овқат, чой ўз вақтида ҳозирлаб беriляпти. Биринчи теримда 120-130 кг пахта терган бўлсак, иккинчи теримда 80-90 кг пахта теряпмиз. Меҳнатимиз эвазига берилаётган пуллар оиламиз бюджетига қўшимча даромад бўляпти,-дейди илғор теримчилардан бири Муҳаббат Ҳусанова.





Ангор туманида 6700 гектар ер майдонига ғўзанинг “Сурхон-14” ҳамда ”Бухоро-8” навлари экилган бўлиб, ўз вақтида агротехник тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирда ғалвир сувдан кўтарилиб, ҳосил йиғиб олинадиган палладамиз. Туманда 22130 тонна «оқ олтин» йиғиб олиш режалаштирилган. Айни дамларда йиғим-терим ишлари қизғин давом этмоқда. Теримчилар учун шароитлар яратилган. Шунингдек, пахта пуллари ўз вақтида бериб борилялти.

## “Мен ўқиган китоб”




Ангор туманида ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, уларда китобни асраб-авайлаш, бой маданий ва маънавий меросимизга ҳурмат ҳиссини шакллантириш мақсадида ўтказилаётган “Мен ўқиган китоб” кўрик танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда биринчи босқичида ғолиб бўлган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган иштирокчилар қатнашди. Танлов давомида ёшларнинг билими яна бир бор синовдан ўтказилди.

Кўрик танлов якунида ғолиб бўлган иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

## Спорт — соғлик гарови

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Ангор туманида октябрь ойининг биринчи ҳафтасидан «Кексалар ҳафталиги» ўтказилмоқда. Туманда «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, улар маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш ҳамда улар ўртасида жисмоний тарбия машғулотлари гуруҳларини шакллантириш, кексаларни оммавий спорт мусобақаларига кенг жалб этишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Маҳаллаларда нуронийлар иштирокида “Саломатлик учун 5 минг қадам”, шиори остида пиёда юриш марафони ўтказилмоқда.

Тумандаги 1-сонли қишлоқ оилавий поликлиникасида “Кексалар ҳафталиги” доирасида нуронийлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрик давомида дастлаб, кексаларнинг бўйи ва вазни ўлчанди. Лабораторияда қон таҳлили олинди ва ЭКГ ва УТТ текширувларидан ўтказилди. Шундан сўнг, терапевт, окулист, невролог, кардиолог, лор, хирург, стоматолог, психиатр каби тажрибали, малакали шифокорлар отахону онахонларга ташхисга асосан ўз маслаҳат ва тавсияларини беришди.

Тиббий кўрикда “Деҳқонбирлашув” ҳамда “Каттақум” маҳаллаларида истиқомат қилувчи кексалар қатнашдилар.

–Бундай тиббий кўрикларни ташкил этишимиздан мақсад кексаларнинг саломатлигини вақтида назорат қилиш ва соғлиқларини тиклашдан иборатдир, – дейди Ангор туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари Абдузоир Раҳмонов

Туманда “Кексалар ҳафталиги” доирасида тадбирлар давом эттирилмоқда. Жамият ҳаётида кекса фуқароларнинг ролини янада ошириш, узоқ йиллар давлатимизга хизмат қилган фахрийларни муносиб қадрлаш албатта, ёш авлод вакилларининг асосий мақсадидир. Ангор туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қуватлаш бўлими ходимлари “Зартепа” ва “Занг Гиламбоб” маҳаллаларида истиқомат қилиб келаётган нуронийлар хонадонига ташриф буюриб, уларнинг ҳолидан хабар олдилар.

Албатта, кекса авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибалари ва панд-насиҳатлари ҳамиши биз учун катта мактаб бўлиб хизмат қилади.

**Гавҳар ЖУМАЕВА.**

## 21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

## Тил-маънавият кўзгуси

***Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётдур, миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур.***
***(Абдулла Авлоний).***

Инсон борки, у ер юзидаги энг олий даражада тараққий этган мавжудот саналади. Инсонга табиат томонидан ато этилган сифатлар, имкониятлар жуда кўп ва беҳисобдир. Ана шундай имкониятлардан бири бу унинг тилидир. Тил-алоқа-аралашувнинг энг муҳим воситаси сифатида инсонлар ҳаётида беқиёс даражада аҳамиятга эга. Инсонлар ана шу тил воситасида бир-бирлари билан суҳбатлашадилар, фикр бериб, фикр оладилар. Лекин минг афсуски, ҳамма ҳам ўзи учун берилган бу имкониятдан-тилдан фойдалана олмайди. Ҳаётимизда хушмуомала, ширинсўз одамлар билан биргаликда сўзлашиш маданиятидан йироқ, дагал ва қўпол сўзли кимсалар ҳам тез-тез учраб туради. Одамнинг улар билан суҳбатлашишдан юраги безиллайди, чунки бу тоифадаги кишилар ўринсиз гап-сўзлари билан суҳбатдошининг дилига озор беради. Шу ўринда халқимиз томонидан айтилган “Тиғ яраси битади, аммо тил яраси битмайди” деган мақолда бир олам маъно бор аслида. Кишига яхшилик ва эзгуликлар тил туфайли келади. Қадр-қимматини ҳам, обрў-эътиборини ҳам киши тил оркали топади.

Мулоқот давомида тилдан қай йўсинда фойдаланиш ўзимизга боглиқдир. Демак шуни унутмаслигимиз лозимки, тил-дил қулфининг калити. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ўзларининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида шундай фикрларни айтиб ўтади: “Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий богликлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили-бу миллатнинг руҳидир”. Дарҳақиқат, она тили-эзгу фазилатлар, юксак туйгулар манбаи. Ҳар бир тилни ўз ўрнида қўллаб, ўша тилда гаплашадиган миллат вакилларини ҳурмат қилишни ўрганайлик. Ахир, Навоий бобомиз ҳам “Тилга ихтиёрсиз-элга эътиборсиз” деб бежизга айтмаганлар.

Ўзбек романчилигининг асосчиси бўлмиш А.Қодирий мақолларидан бирида “Ўзбек тили камбагал эмас, балки ўзбек тилини камбагал дегувчиларнинг ўзи камбагал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар”,-деган фикрни айтади. Сўзим сўнггида шуни айтиб ўтишим жоизки, ўз тилимизни онамиз сингари ҳурмат қилайлик. Сўзлаётганимизда билиб сўзлайлик.

**Севара ЧОРИЕВА,**
**8-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўкитувчиси.**

## СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ ҲИСОБ БЕРДИЛАР

Сурхондарё вилоятида «қизил» ҳудудга киритилган чекка Музработ тумани етарли салоҳиятга эга. Бироқ, воҳадаги бир қатор йўналишларда кўрсаткичлар жуда паст. Айни пайтда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, одамларнинг турмуш даражасини ошириш, аҳолининг бугунги кундан рози бўлиб яшашини таъминлаш тумандаги барча раҳбарларнинг кундалик иши, муҳим вазифасидир.

Туманда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳудудни янада юксалтириш учун қандай ишлар амалга оширилиши керак? Халқ депутатлари Музработ тумани кенгашининг навбатдаги сессиясида ушбу масала атрофлича муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Халқ депутатлари туман кенгаши ва тумандан вилоят кенгашига сайланган депутатлар, Олий Мажлис Сенати Фан, таьлим ва соглиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов, сенат аьзоси Бахтигул Бўтаева, Қонунчилик палатаси депутати Ҳазратқул Хўжамқулов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ўринбосари Ғ.Бозоров, журналистлар ва блогерлар иштирок этган сессиясида қайд этилганидек, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Шунга мувофиқ келгусида туман мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига «қизил» ҳудуд рўйхатидан чиқарилади. Иқтисодий-ижтимоий ривожланади.

Сессияда сектор раҳбарлари йўл қўйилган камчиликлар юзасидан аҳолига мурожаат этиб, уларни бартараф этишга қаратилган вазифалар бўйича «йўл хариталари» ҳақида атрофлича маьлумот берди.

Музработ тумани ҳокими Эркин Алимов дастлаб туманнинг «қизил» ҳудудга ўтиб қолиши сабабларини таҳлил қилиб, ҳудудни янада юксалтириш бўйича кейинги режаларни тақдим этди.

Тўртта сектор раҳбари халқдан туман «қониқарсиз» ҳудудга ўтиб қолгани учун узр сўради.

Сессияда Республика рейтинг баҳолаш тизимида туманга берилган “қониқарсиз” баҳо нафақат тўрт сектор бошлиги балки, ҳудуддаги катта-кичик раҳбарлар масъулиятини янада ошириб, туманни ривожлантириш бўйича дахлдорлик ҳиссини оширди. Кўрсатиб ўтилган хато-камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб олишга имконият яратиб берилгани қайд этилди. Туманни шу йил якунигача “қизил” ҳудуддан “сариқ” ҳудудга, келгуси йил биринчи ярмида “яшил” ҳудудга ўтказиш вазифаси белгилаб олинди.

Сессияда Олий Мажлис Сенати Фан, таьлим ва соглиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов сўзга чиқди.

Сессия якунида журналист ва блогерлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда тўрт сектор раҳбари иштирокчиларни қизиктирган саволларга атрофлича жавоб берди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА.**

## “ОБОДОН” чилар “ОТ” ли бўлишди




Туман Ободонлаштириш бошқармасида 120 нафар киши меҳнат қилади. Улар тумандаги 12 та қабристон, марказдаги Ат-Термизий кўчаси, истироҳат ва аҳоли дам олиш масканлари, ҳиёбонларда тозалик ва ободонлаштириш ишларини олиб боришади.

Бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг ишга келиб кетишлари, ўз ҳудудларига қийналмай етиб боришларини таъминлаш мақсадида яқинда уларга бепул велосипедлар тақдим этилди.

-Ишчиларимизнинг меҳнатини енгиллаштириш, оғирини енгил қилиш мақсадида уларга ҳар бири 1 млн. 200 сўм турадиган 120 дона замонавий велосипед тарқатдик. Бу нарса бошқармамизда меҳнат қилаётганларнинг хурсандчилигига ва иш унумдорлигига сезиларни даражада ижобий таъсир қилди. Айниқса велосипедли бўлган 42 нафар хотин-қизларимиз жуда миннатдор,-дейди бошқарма бошлиғи Қурбон Тўлаганов.

-2011 йилдан буён шу бошқармада меҳнат қиламан. Ҳозир “Кайран” маҳалласида жойлашган “Оқтош ота” қабристонида қоровулман. Янги велосипед берилиши йўл машаққатларини енгишга анча қулай бўлди. Мен бундан жуда ҳам хурсандман,-дея ўз кувончини яширмаётган ишчи Ш.Рашидовнинг сўзларини “Қорабоғ” маҳалласидан ишга қатнайдиган боғбон К.Усанов ҳам маъкуллади.

Ҳа, ишчи-ходимларни рағбатлантириш меҳнат унумдорлиги, сифатини оширишга катта туртки беради. “Темир от” миниб ишга қатнаётган “Ободон”чиларнинг бунданда ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишларига ишониб қоламиз.

**Р.РЎЗИБОЕВ.**

**СУРАТДА: Бошқарма бошлиғи Қ.Тўлаганов ишчи-ходимларга велосипед тарқатмоқда.**

## ОБУНАГА ЭЪТИБОР — МАЪНАВИЯТГА ЭЪТИБОР

“Ўқитувчи ўз устида ишлаши, билим ва маҳоратини ошириши учун қўшимча методик ёрдамни қаердан олади? Албатта, бу соҳага оид китоб ва қўлланмалардан, махсус педагогик нашрлардан олади. Афсуски, биз кейинги йилларда мажбурий обуна баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Албатта бу бировларга ёқмайди. Халқ таълими вазири бизда замонавий, мен кўп эшитяпман мулоқотларда “керак эмас, ахборот технологиялари бор, журналам керак эмас, гезата ҳам керак эмас”. Бу нотўгри йўналиш. Ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор. Компьютернинг ҳам ўз ўрни бор, журналнинг ҳам ўрни бор, газетанинг ҳам ўрни бор. Бошқача йўлни тутиш ҳозирча мумкин эмас. Биз унга тайёр эмасмиз...

### *Президент: «Олдинги тарихимиздан ҳамма нарсани йўқ қилиб ташлаш бу нотўғри»*

Шундай аянчли ҳолга келдики, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлиб қолдилар. Менинг компьютеримда ҳамма нарса бор, менинг телефонимда ҳамма нарса бор деб. Йўқ, газетани ҳам, журналларни ҳам ўқиш керак, бу замон талаби. Ўқитувчи ўзининг ижобий таълимини, билимини, методикасини ёзиши керак, муҳокама қилиши керак.

Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлат бу Япония ҳисобланади. Лекин бу мамлакатда кунига уч-тўрт миллион нусха нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Газета ва журналлар мактабга керак”.

***(Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 1 октябрь —Ўқитувчи ва мураббийлар кунига багишланган тантанали маросимидаги нутқидан)***

**Таҳририятдан:** Президентимизнинг ушбу сўзлари биз журналистларни беҳад хурсанд қилди. Газета ва журналларга обуна бўлиш фақат ўқитувчилар учун дегани эмас. Балки барча соҳа вакиллари матбуот нашрларини ўқиб боришлари керак, деганидир. Маънавиятини бойитиш ҳар бир инсон учун фойдали.

Шуни мамнуният билан таъкидлаймизки, шу кунгача туманимиздаги 5-, 28-, 37- ва 42-сонли умумтаълим мактаблари меҳнат жамоалари 2021 йил учун **“Ангор ёгдуси”** газетасига обуна бўлдилар. Бу ана шу мактаблар зиёлиларининг Президентимиз танқидига амалий жавоблари бўлди.

ОБУНА–2021

## “АНГОР ЁҒДУСИ” га обуна бошланди

***Азиз муштарийлар!*** *Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз, хабарчингиз ва маслаҳатчингиз бўлган “Ангор ёғдуси” газетасига обуна бошланди.*

*Обуна* ***Агробанк Ангор туман бўлими****даги таҳририятнинг*
***Ҳ/р 20210000200430813001 МФО: 00343, ИНН: 200481845*** *рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказиш ва накд пул тўлаш орқали амалга оширилади.*

*Газетанинг йиллик баҳоси таҳририят билан тўғридан-тўғри обуна бўлганда* ***120000 сўм****.*

# АНГОР ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

***2021 йилда Ангор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 10-банди ижросини таъминлаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1.Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони 20 нафар кишидан ортиқни ташкил этадиган ташкилотлар сонидан келиб чиқиб, Ангор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун 142 та иш ўринлари банд қилингланлиги жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 30.6 фоиз (45 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 48.1 фоиз (68 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 8.1 фоиз (12 киши);

ногиронлар учун 2.2 фоиз (3 киши);

пенсия олди ёшидаги шахслар учун 2.2 фоиз (3 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 6.3 фоиз (9 киши);

одам савдоси қурбонлари учун 2.2 фоиз (3 киши) миқдорида иш ўринлари заҳираси корхона ва ташкилотлар кесимида белгиланганлиги иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига мувофиқ ташкил этилсин.

3. 2021 йилда Ангор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича корхона ва ташкилотлар кесимида иш ўринларини ташкил этиш рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Иловада кўрсатилган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари белгиланган иш ўринларини ташкил этилишини тўлиқ таъминласин.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарорни бажармаган, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этган корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима солинади.

6. Иш ўринларини банд қилиб қўйиш сонидан ортиқча иш ўринлари ташкил этган корхона ва ташкилотлар учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 май куни 3163-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 10 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2019-Б-сонли буйруғига асосан белгиланган тартибда квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахслар учун ҳар бир ходимга 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида субсидия тўлаб берилиши белгилаб қўйилсин.

7. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (А.Юлдашев) беш кун муддатда ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устида назоратни таъминласин.

8. Ангор туман ҳокимининг 2019 йил 16 сентябрдаги Қ-6514-сон қарори бекор қилинсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб уч ойдан сўнг кучга кириши белгилансин.

10. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Ядгаров зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими: Ш.АБДУЛЛАЕВ.**

# Президент Фармони қабул қилииди

Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада кенг шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2020 йил 24 августдаги "Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб:

37 та лицензия ва 10 та рухсатнома бекор қилинади;

16 та лицензия ва 11 та рухсатнома бирлаштириш йўли билан бекор қилинади;

17 та лицензия ва 13 та рухсатномалар хабардор қилиш тартиби жорий этилиши йўли билан бекор қилинади;

14 та турдаги лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш муддатлари қарийб 2 бараварга қисқартирилади;

115 та лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-таомиллари янада соддалаштирилади.

Фармонга кўра, хабардор қилиш тартиби жорий этилган фаолият (ҳаракат) учун расмийлаштирилган лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиши ўз кучида қолади ва ушбу фаолият (ҳаракат)ни амалга ошириш учун ваколатли органни хабардор қилиш талаб этилмайди.

2021 йил 1 январдан бошлаб:

туризм фаолиятини лицензиялашда туроператорлар хизматларини сертификатлаш ихтиёрий этиб белгиланади.

Қуйидагилар бекор қилинади:

кредит бюролари фаолиятини лицензиялашда камида 10 та тижорат банки билан кредит алмашинувини амалга оширишга розилигини тасдиқловчи ҳужжат мавжудлиги талаби;

дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини лицензиялашда ушбу фаолият учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан уларнинг худди шундай фаолият билан шуғулланувчи филиаллари ташкил этилганда ҳар бир филиал манзилини асосий лицензияда кўрсатиш амалиётини жорий қилиш орқали филиалларга алоҳида лицензия расмийлаштириш амалиёти;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия олишда талабгордан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кафолат хатларини олишни талаб қилиш тартиби.

Фармонга мувофиқ, ваколатли органлар томонидан қуйидаги ҳаракатларнинг амалга оширилиши тақиқланади:

лицензиялар бериш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва уларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорлиги сабабли давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш;

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасида тузиладиган ўзаро шартномаларга алмаштириш;

лицензия ва рухсат беришга доир талаб ва шартларда назарда тутилмаган ҳақ эвазига бошқа турдаги хизматлардан фойдаланишга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олишга бевосита ёки билвосита мажбурлаш.

2020 йилда муддати тугайдиган барча лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиш муддати 2021 йил 1 январга қадар узайтирилди.

2021 йил 1 январга қадар лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ барча жараёнларни қамраб олган "Лицензия" ахборот тизими ишлаб чиқилади.

Шунингдек, 2021 йил 1 январдан:

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари босқичма-босқич тўлиқ электрон тарзда "Лицензия" ахборот тизими орқали амалга оширилади;

лицензия соҳасидаги Қонун бузилишлари ҳақида хабар берган шахслар ҳуқуқбузарлик ўз тасдиғини топганда ундирилган жариманинг 10 фоизи миқдоридаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади;

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни тугатиш ва бекор қилиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Фармонга кўра, ҳар бир лицензиялаш, рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тартиб-таомилининг самарадорлиги камида ҳар 5 йилда қайта кўриб чиқилади.

Мутасадди идоралар лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқади:

"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунларни бирлаштириш йўли билан яхлит Қонун лойиҳаси;

2021 йил 1 февралгача лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларига оид Қонунчиликни тизимлаштириш мақсадида уларнинг паспортларини ишлаб чиқиш ва кодификациялаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.

**Р.БЕРДИЕВ,**
**Ангор туман адлия бўлими бошлиғи.**

# ЁШЛАРГА НИСБАТАН КЎРИЛГАН ЖИНОЯТ ИШЛАРИ УМУМЛАШТИРИЛДИ

Жиноят ишлари бўйича Ангор туман суди томонидан 2019 йил ва 2020 йилнинг 1-ярми давомида ёшларга (14 ёшдан 30 ёшгача) нисбатан кўрилган жиноят ишлар юзасидан суд амалиёти умумлаштирилди.

Ўтган йиллар давомида ёшлар сиёсатида, суд-ҳуқуқ ва бошқа барча соҳаларда ҳаётга татбиқ этилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг самарали механизми шакиллантирилди.

Суд тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий тамойилга қатъий риоя этилиши мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар орасида марказий ўринни эгаллайди.

Юртимизда барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироки кундан кунга кенгайиб, мулкдорлар сони ошиб бораётгани, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги кучаяётгани суд-ҳуқуқ тизимини ҳам янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар томонидан жорий йилнинг июнь ойида жойларда олиб борилган мулоқотлар давомида суд ишларида ортиқча бюрократиянинг сақланиб қолаётганлиги, суд қарорларини қайта кўришда такрорловчи босқичлар мавжудлиги, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар соҳа мутахассислари ва жамоатчилик вакиллари томонидан очиқчасига айтиб ўтилган эди.

Президентимиз томонидан имзоланган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон айнан мана шундай муаммоларнинг ечимини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Фармон билан 2021 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилади. Бу эса, жойларда ягона суд амалиётини шакллантиришга, судларнинг тарқоқлиги туфайли фуқаролар ва тадбиркорлар сарсон бўлишининг олдини олишга хизмат қилади.

Эндиликда туман (шаҳар) маъмурий судлари ўрнида туманлараро маъмурий судлари ташкил этилади ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишни жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади. Бу, ўз навбатида, маъмурий судларнинг муайян тумандаги маҳаллий ҳокимият органларининг турли тазйиқларидан холи ва мустақил фаолият юритишлари, бундай судларни ташкил этишдан кўзланган асл мақсад, яъни фуқаролар ва тадбиркорларни давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорларидан суд орқали ҳимоялаш учун янада қулай шароит яратади.

Фармон билан прокурорнинг судда иштирок этиши тартиби илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мослаштирилмоқда. Жумладан, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш, тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина прокурор томонидан суддан ишларни чақириб олиш, бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш назарда тутилмоқда. Бундай қоидаларнинг киритилиши албатта суднинг мустақиллигини, тарафларнинг судда тортишувчанлик ва тенглиги тамойилини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Фармон билан ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали "бир суд–бир инстанция" тамойили жорий этилмоқда. Яъни, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят даражасидаги судлар томонидан апелляция тартибида, апелляция тартибида кўрилган суд қарорларини эса Олий суд томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича суд қарорларини эса Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш назарда тутилмоқда. Суд ишларини назорат тартибида кўриш институти эса тугатилмоқда. Бундай тартибнинг ўрнатилиши натижасида судда ҳар бир иш бўйича якуний тўхтамга келиш орқали суд қарорларининг барқарорлиги таъминланади ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлар сарсон бўлишининг олди олинади.

Судда муайян ишни, низони тўғри ва адолатли ҳал этишда судьянинг асосий "иш қуроли" ва "таянчи" бу қонун. Шундай экан, Олий суд Конституция билан берилган қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан самарали фойдаланиши, одил судловни таъминлашда албатта ўзининг ижобий натижасини беради. Фармонда Олий суд тузилмасида Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси тузилиши кўзда тутилган. Бу эса, Олий суднинг қонун ижодкорлиги фаолиятида янада кўпроқ ва профессионал тарзда иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади. Бу тузилма орқали суд ва парламентнинг ўзаро ҳамкорлиги кучайишига шубҳа йўқ.

Фармон фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Шу билан биргаликда, 2017 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ўртасида ёшлар масалалари соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум қабул қилинган.

Статистик маълумотларга кўра, 2019 йил давомида жиноят ишлари бўйича Ангор туман суди томонидан ёшларга (14 ёшдан 30 ёшгача) нисбатан 78 шахсга нисбатан 55 жиноят ишлари биринчи босқичда мазмунан кўрилган бўлиб, шундан 54 шахсга нисбатан 32 иш бўйича ҳукм чиқарилган, 23 шахсга нисбатан 22 жиноят ишлари ҳаракатдан тугатилган, 2019 йил давомида 1 нафар шахсга нисбатан 1 та жиноят иши бўйича тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган.

Ҳукм чиқарилган ишлар бўйича 7 шахсга нисбатан жарима жазоси, 15 шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 14 шахсга нисбатан озодликни чеклаш жазоси, 15 шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Юқорида қайд этилган статистик маълумотларга қараганда, 2019 йил давомида ёшларга нисбатан кўрилган жиноят ишлари бўйича жазо тайинлаш амалиётида жарима, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари кўп тайинланган

2020 йилнинг 1-ярми давомида эса ёшларга оид жиноят ишларидан 17 шахсга нисбатан 17 жиноят ишлари биринчи босқичда мазмунан кўрилган бўлиб, шундан 10 шахсга нисбатан 10 иш бўйича ҳукм чиқарилган, 7 шахсга нисбатан 7 жиноят ишлари ҳаракатдан тугатилган.

Ҳукм чиқарилган ишлар бўйича 8 шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 1 шахсга нисбатан озодликни чеклаш жазоси, 1 шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Юқорида қайд этилган статистик маълумотларга қараганда, 2020 йилнинг 1-ярми давомида ёшларга нисбатан кўрилган жиноят ишлари бўйича жазо тайинлаш амалиётида аҳлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўп тайинланган

2017 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ўртасида ёшлар масалалари соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум қабул қилинганидан кейин ёшларга (14 ёшдан 30 ёшгача) нисбатан туман судига келиб тушган жиноят ишларининг тайинланган куни ҳақида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Ангор туман кенгашига маълум қилинган.

Таҳлил натижаларига кўра, туман ҳудудида жиноятчиликнинг умумий кўрсатгичи камайганлигини кўрсатган бир пайтда, ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳанузгача юқори қолмоқда.

Мазкур салбий ҳолатларни фақатгина ёшлар билан ишлаш юклатилган ҳар бир ташкилот-муассаса ва кенг жамоатчилик жиноятчиликни олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар орқали ҳал қилиши мумкин.

**Н.ХАСАНОВА,**
**Жиноят ишлари бўйича Ангор туман судининг девонхона мудири.**

# "ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЯГОНА РЕЕСТРИ" ахборот тизими нима?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги "Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 308-сонли Қарорига асосан кам таъминланган оилаларга "Ижтимоий химоя ягона реестри" ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида" вақтинчалик Низом тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августдаги "Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-тамоилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4797-сонли қарорига асосан 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиб-таомиллари "Ижтимоий химоя ягона реестри" ахборот тизими орқали амалга оширилиши белгиланган.

Мазкур Низомга асосан, бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларига моддий ёрдам тайинлаш амалга оширилиб келинмоқда.

Ушбу тизим Сурхондарё вилоятининг барча туманларида, хусусан Ангор туманимизда ҳам жорий йилнинг октябрь ойидан амалга киритила бошланди.

Юқоридаги қарорлар асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартибини амалга ошириш механизми ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқилган механизмга мувофиқ фуқаролар яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўзи келиб вақтинчалик Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги ёзма аризани тўлдириш йўли билан мурожаат қилиниши белгиланган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қабул қилинган ёзма ариза икки иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига ариза берувчининг маълумотларини "Ягона реестр" АТ га киритиш учун тақдим қилинади.

Нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ариза бевосита ариза берувчининг доимий ёки вақтинчалик пропискаси бўйича яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади ва рўйхатга олинади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

-паспорт нусхаси;

-никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома;

-бола туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳар уч иш кунида камида бир маротаба, бироқ ариза берилган ойнинг 18-кунидан кечиктирмай ушбу Вақтинчалик низомнинг 13-бандида кўрсатилган ариза ва тақдим этилган ҳужжатларни ҳамда ушбу Вақтинчалик низом билан тасдиқланган 3 ва 3 а-иловаларга мувофиқ оиланинг таркиби ва иқтисодий аҳволи тўғрисидаги маълумотларни тегишли Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан Пенсия жамғармаси бўлимига аризалар ушбу Вақинчалик низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига (маҳаллага) нафақа ва моддий ёрдам тайинлашни сўраб мурожаат этилган аризалар рўйхатига асосан тақдим этилади.

Нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида қабул қилинган аризалар Пенсия жамғармаси бўлимининг масъул ходими томонидан ариза берилган ойнинг 25-кунидан кечиктирилмай "Ягона реестр" АТга киритилади.

Қуйидаги ҳолларда тегишли ижтимоий нафақани ёки моддий ёрдамни тайинлаш рад этилади:

а) ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик даромаднинг ушбу вақтинчалик Низомнинг 7-бандида кўрсатилган белгиланган мезонлардан ортиқлиги;

б) ариза берувчида ёки унинг оила аъзоларида кўчмас мулк мавжудлиги (ариза берувчининг прописка қилинган жойида жойлашган кўчмас мулк бундан мустасно);

в) ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларидан икки ва ундан ортиқ автотранспорт мавжудлиги;

г) аризада тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқатга номувофиқлиги аниқланиши;

д) даромадларнинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва меҳнат бўйича органларда ҳисобда турмаган ёки ҳақи тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжудлиги.

Ушбу бандда кўрсатилган мезонлар асосида тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинланганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида, ариза берувчига сабаблари кўрсатилган ҳолда электрон билдиришнома (аризада кўрсатилган телефон рақамга СМС шаклида) юборилади.

Ҳар ойнинг 4-санасигача электрон ведемостлар автоматик равишда шакллантирилади ва тижорат банкларига юборилади.

Тижорат банки филиаллари электрон тўлов ведемостларига асосан ижтимоий нафақа, моддий ёрдам ва пул компенсацияси тўловларини накд ёки аризада кўрсатилган пластик карта орқали амалга оширади.

Ижтимоий нафақаларга боғлиқ саволларингиз бўлса, **Пенсия жамғармаси Ангор туман бўлимининг –(76) 31-21-289 "ишонч телефони" орқали**мурожаат қилишингиз мумкин.

**Э.ТАНГРИЕВ,**
**Ангор тумани бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи.**

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ЖАЗО ТИЗИМИ ВА УНИ ТАЙИНЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

-жарима;

-мажбурий жамоат ишлари;

-ахлоқ тузатиш ишлари;

-озодликни чеклаш;

-озодликдан маҳрум қилиш.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.

Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлигини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади.

Ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси - ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд ушбу жиноят кодекснинг 72-моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.

**Х.УМБАРОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Ангор туман судининг судья ёрдамчиси.**

# «Она тили – бу миллатнинг руҳидир»

## Тил-миллат кўзгуси

Тил-инсон ақлий, руҳий ва амалий фаолиятининг қуроли ва ҳаракатлантирувчи кучи, аждод ва авлод орасидаги билим-у ахборотларнинг таъминотчисидир. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига аввало, она алласи она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили бу миллатнинг руҳидир. Тил-инсонни маънавий комилликка етаклайди. Ўзбек тили туркий тиллар оиласига мансуб бўлиб, қадимий ва бой тил ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон давлати эркинликнинг дастлабки йиллариданоқ ўзбек тилининг муҳофазаси ва тараққиёти учун барча қонуният асосларини яратди. Чорак асрдан ошдики, ўзбек тили давлат тили сифатида 32 миллиондан ортиқ халқнинг тили мақомида ривож топиб келмоқда, ҳар йили 21 октябрь юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун ўзгача ғурур, фахр ва ифтихор билан кенг нишонланади. Бугун ўзбек тили мустақил ўзбекистоннинг давлат тили сифатида, давлат рамзлари қаторида эъзоз ва эҳтиромга сазовор бўлди. Албатта, ҳар бир миллат ва элат учун ўз она тилиси бебаҳо саналади. Дарҳақиқат она тилини севган, ардоқлаган инсон қалбида ўтмиш анъана ва қадриятларга, буюк аждодларга бўлган чексиз эҳтиром мужассам бўлади.

Она тилимизни ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш фаолиятимиз меваси сифатида долзарб саналади ва албатта ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида ҳам ушбу омилларга алоҳида аҳамият қаратиб келмоқдамиз. Ҳар йили мактабимизда 21 октябрь ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида ўқувчилар ўртасида тадбирлар, танловлар ўтказлиб, нишонланади.

**Мавжуда ҚОДИРОВА,**
**3-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчиси.**

## Она тилимизга ҳурмат

Давлат тили ҳақида гап кетганда ҳаёлан тарих саҳифаларини варақлашга тушади киши.

Бундан 30 йил муқаддам 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган эди. Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши мамлакатимиз мустақиллигининг илк қадамларидан бири бўлиши билан бирга, ўзбек тилининг амал қилиш доирасини мустаҳкамлади, ўзбек тилининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 4 октябрь куни "Давлат тили ҳақидаги қонунининг 30 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида"ги қарорини имзолади. Қарорда таъкидланганидек, "...дунёда қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида гоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир".

Дарҳақиқат, ушбу ҳужжат билан октябрь ойи мамлакатимизда тил байрами ойлиги сифатида кенг нишонланиши, корхона, ташкилотларда, таълим муассасаларида тил байрами муносабати билан тадбирлар, иншолар танловлари ўтказилиши, олий таълим муассасаларида илмий конференциялар ташкил этилиши белгиланган. Буларнинг барчаси халқимиз тафаккурида, ёш авлод онгу шуурида она тилига садоқат, давлат тилига ҳурматнинг ошишига хизмат қилади.

**З.ЭШПЎЛАТОВА,**
**Анғор туман давлат архиви 1-тоифали архивчиси.**

## Она тилим-ифтихорим

Она тилим-бу миллатимизнинг, элимизнинг ғурури, ор-номуси, фахру ифтихоридир, асрий орзу умидларнинг бебаҳо маҳсулидир. Тил миллатларнинг ўзаро бирлаштирадиган ва халқаро дўстона муносабатларнинг калитидир. Ҳар бир миллатнинг киндик қони тўкилган ўз маскани, ватани бўлганидек, бетакрор она тилиси ҳам мавжуд. Тил ҳар бир миллат маданиятининг кўзгуси ҳисобланади. Биз ўз тилимизни асраб-авайласак, ватанимиз, миллатимиз шу қадар юксалиб, равнақ топиб бораверади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек: "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилини йўқотмак, миллатнинг руҳини йўқотмакдур". Дарҳақиқат, миллий тилни йўқотиш ўз-ўзидан миллатнинг руҳини йўқотиш ҳисобланади. Халқнинг, миллатнинг ўзлигини намоён этишда тилнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Қадр- қимматни ҳам, обрў-эътиборни ҳам ҳар бир инсон тил орқали топади. Тил ҳар бир халқнинг ва миллатнинг энг муқаддас қадриятларидан биридир.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берилди. 1989 йил 21 октябрь ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун деб эълон қилинди. Мана ўттиз бир йилдирки ҳар йили шу кунни тил байрами сифатида нишонлаб келмоқдамиз. Зеро, бу шодиёна ўзлигимиз ҳамда миллийлигимиз нишонасидир. Шу кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси бўйича барча расмий ҳужжатлар, газета ва журналлар ўзбек тилида юритила бошлади. Ўзбек тили қонуний ҳимояланмаганида эди, бизлар аждодларимиз қолдириб кетган маънавий меросимизни ҳар тарафлама чуқур ўргана олмаган бўлар эдик. Чунончи Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Усмон Носир, Абдулла Қодирийдек миллатимиз учун жонини фидо қилган буюк сиймоларни улғайтирган халқнинг маънавий бойликлари бизларгача етиб келмаган бўлар эди, оқибатда адабий меросимиз сарачашмаларидан баҳраманд бўлмас эдик.

Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий яратган асарларида миллатимиз тарихини, урф-одатларини, ўзига хос бўлган анъаналарини тўлақонли акс эттириб берган. Унинг асарларида ўзбек халқига хос бўлган эрксеварлик, ҳаё-ибо ҳар бир фикрида, гўзал ва бетакрор нутқида миллийлик, ўзбекона лутф акс этиб туради. Бу ҳам Абдулла Қодирийнинг юксак истеъдод соҳиби, ўз миллатини севувчи ва ўзбек тилини ардоқловчи фидоий ўғлони эканлигидан далолатдир.

Тил инсонларнинг ўзаро алоқа воситаси бўлиб, яратувчининг инсонга берган бебаҳо неъматидир. Миллатларни миллатлардан ажратиб турувчи асосий белгилардан бири ҳам тилдир. Дунёда ҳар бир халқнинг ўз тили унинг бебаҳо бойлиги, ифтихори, нажоти ҳисобланади. Ҳикматли сўзлар, шеъру достонлар, қўшиқлар аввало бирор бир миллатнинг она тилида дунёга келади. Миллат бор экан, унинг тили ҳам яшайди, тили яшар экан у миллат бошқа миллатлар орасида ўз нуфузи, обрўсига эга бўлади.

***Она тилим сен борсан, шаксиз,***
***Булбул куйин шеърга соламан.***
***Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,***
***Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.***

**Холида ТУРОПОВА,**
**26-мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.**



Ангор халқининг фахри, моҳир педагог-мураббий, жонкуяр устоз, меҳнат фахрийси Хушбоқ ҳожи Тангриев 2020 йилнинг 3 сентябрь куни 78 ёшида вафот этди.

Одамийлик, камтарлик, оддийлик, бағрикенглик, маърифатпарварлик ва ростгўйлик Хушбоқ Тангриевга хос фазилатлар эди.

Одамийлик-энг улуғ фазилат, инсон тажрибаси ва идрокига хос аҳлоқ. Бундай фазилатнинг соҳиби бўлганлар барча замонларда ҳам эъзозли, ҳурматли, обрўли, шу боис ҳам омадли ва бахтиқболли бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Бундай инсонлар одамгарчилиги бор бебаҳо кишилар деб эътироф этилган. Улар, аввало, яхши хулқнинг эгаси, бошқаларга нисбатан очиқ юзли, меҳрмурувватли, шафқатли бўлганлар. Яхшилик қилишни, яхши сўз айтишни, ёмонликка эзгулик кўрсатишни, садоқат, номус ва адолат билан иш тутишни, саховат кўрсатишни ўзларининг бурчи деб билганлар.

## Хушбоқ ҳожи Тангриев

Ана шундай ҳислатлар эгаси, ҳар қандай давранинг файзи, кўрки, ҳаётий тажрибаси, донишмандларга хос сўзи ва ўгитлари билан қалбимиздан чуқур жой олган бу ажойиб инсон билан яна учрашиш ҳаммамиз учун армон бўлиб қолди.

Х.Тангриев бир умр илм-маърифатга интилиб яшади, бошқаларни ҳам шунга даъват қилиб келди.

1968 йилда Қарши Давлат педагогика институтини "Имтиёзли диплом" билан битириб, шу илм даргоҳида ёшларга фалсафа фанидан дарс берган Х.Тангриев, кейинчалик ўз билимини янада ошириш мақсадида Тошкент Давлат университетида ижтимоий фанлар бўйича малака оширади ва сиртки аспирантурага ўқишга киради.

Х.Тангриев Термиз Давлат педагогика институтида талабаларга дарс берганда ҳам, Сурхондарё вилоят партия қўмитасида масъул вазифада ишлаганда ҳам, туманимиздаги 1-мактаб директори ёки Таллимарон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси лавозимида меҳнат қилганида ҳам юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги, ёшларимиз камоли учун бор билим ва тажрибасини аямади.

Х.Тангриевнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари муносиб тақдирланди. 2012 йилда Х.Тангриев «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Моҳир ташкилотчи, илм-маърифат фидойиси, камтарин ва меҳнаткаш инсон Хушбоқ ҳожи Тангриевнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

**Ш.Абдуллаев, И.Бахромов, А.Лапасов, Ш.Ядгаров, Ш.Ражапова, Ш.Мирзаев, Ж.Чориев, Э.Мардонов, А.Раҳмонов, Р.Эшмуродов.**

## Устозларимизни қутлаймиз

Устозларимиз учун 1 октябрь "Устоз ва мураббийлар куни" жамоамиз учун қўшалоқ байрам бўлди. 2020-2021 ўқув йилида мактабнинг олий тоифали информатика фани ўқитувчиси Пардаев Турғун Халиярович "Содиқ хизматлари учун" медали билан, биринчи тоифали тарих фани ўқитувчиси Файзуллаев Нурхон Аминқулович "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан мукофотланганлиги бутун жамоани руҳлантирди. Устозларимизнинг тақдирланиши бизга янада шижоат бағишлайди. Бундан руҳланиб таълим тизимини юксалтиришда, ёш авлодни маънавий етук, билимли қилиб тарбиялашда ҳар биримиз олдимизга режалар белгилаб олдик. Устозларимизни бу ютуқлари билан қизғин қутлаб қоламиз.



**САЛОМАТ ХОЛТЎРАЕВА,**
**"Халқ таълими аълочиси", 3-сонли умумтаълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси.**

## Ўқинг, ўрганинг, ўз касбингизни эгалланг!

Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш, ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Республика маркази Ангор туман бўлими жорий йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа Институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан "Жамият ва оилада соғлом ижтимоий-маънавий ва тиббий муҳитни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш" мавзусида эълон қилинган танловда "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш" номинацияси бўйича "Зўравонликсиз оила" номли лойиҳаси билан иштирок этди ва ғолиб деб топилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш, кутилаётган натижаларга эришиш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш мақсадида Парламент комиссияси томонидан 39 мл.сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож, оиладаги хотин-қизларни касб-ҳунарга йўналтириб, уларнинг моддий ва маънавий аҳволини яхшилаш, низоли вазиятларни олдини олиш, шу жумладан оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ўз вақтида аниқланиши, бартараф этилишини ва олди олинишида тарғибот тадбирларини давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида йўлга қўйиш лойиҳанинг асосий вазифаларидан бири. Лойиҳа асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги "Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3827-сонли Қарорини амалга оширишга қаратилган.

Лойиҳани юқори савияда амалга оширишда кўзда тутилган асосий мақсад бу-оилалардаги турли кўнгилсизликлар, руҳий босим ва камситилишлар оқибатида оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни аниқлаб, меъёрий ҳаётга қайтариш, шу билан бирга оилада келишмовчиликларга сабаб бўлаётган (баъзи бир айрим) нафақадаги қайноналарни, айниқса уйдаги бекорчи, эрларининг топиб келишини пойлаб турадиган аёлларнинг қалбида меҳнат қилиб яхши яшашга интилиш туйғуларини уйғотиш, эртанги кунига умид билан қарашга, носоғлом турмуш тарзини ўзлаштиришга, кундалик ҳаётларидаги бўшлиқларни мазмунли ўтказишга кўмаклашиш мақсадида хотин-қизлар тикиш-бичиш, қуроқчилик, касаначилик каби касб-ҳунарга йўналтирилиб оила бюджетига ҳиссасини қўшиш ва турмуш шароитини янада яхшилаш, буларнинг барчаси дунё аҳолисини қамраб олган бугунги пандемия даврида туманимиз аёллари учун айни муддао бўлади.

"-Дарҳақиқат, маҳаллалардаги тикувчиликка қизиқиши бор, аммо қандай қилиб оиласининг иқтисодий барқарорлигига қисман бўлсада ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилаётган, уй шароитида даромад топиш орзусидаги хотин-қизларни ўқув курсларига таклиф этамиз, улар лойиҳа доирасида етакчи мутахассислар томонидан касб-ҳунар сирларини бепул ўрганадилар. Бунинг учун Реабилитация марказимизга энг замонавий русумдаги тикув машиналари ва хом ашё моллари, зарур асбос-ускуналар келтирилди ва барча шарт-шароитлар яратилди, дейди лойиҳа раҳбари Зарифа Шамиева.

**Ф.ТУРСУНОВА,**
**Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш бўлими бош мутахассиси.**

## Парранда гриппи-сабаблари, аломатлари, ташхислаш, даволаш, олдини олиш

Парранда гриппи — паррандаларнинг вирусли инфекцион касаллиги, вируснинг баъзи штаммлари одамлар учун патоген ҳисобланади ва юқори даражада ўлимга олиб келадиган оғир касалликдир. Парранда гриппи иситма, ич кетиши, қусиш, катарал синдром, бурун ва милкларнинг қонаши, кўкрак қафасидаги оғриқлар, пневмония, ўткир нафас етишмовчилиги, ўпка шиши билан бирга кечади.

Парранда гриппи — ўткир вирусли касаллик бўлиб, инсонларда юқумли-токсик, ошқозон-ичак ва респиратор синдром билан бирга кечади. Парранда гриппи вируси билан одамларни касалланиши биринчи марта 1997-йил Гонконгда эпидемия пайтида маълум бўлди. Кейинги йилларда парранда гриппи Осиёдан Европага ва Африкага тарқалиб, миллионлаб ёввойи ва хонаки паррандаларнинг касалланиши ва юзлаб одамлар орасида касалликларни келтириб чиқарди. Парранда гриппига қарши курашнинг долзарблиги паррандаларни мажбурий нобуд қилиш, шунингдек, аҳоли ўртасида касалликнинг пандемик салоҳиятига эга эканлиги туфайли юқори иқтисодий зарарлар кўриш билан боғлиқ. Парранда гриппи ўта агрессив кечимга эга: ўпка асоратлари туфайли ўлим ҳоллари 60-70% га етади.

**Парранда гриппининг сабаблари...**

Парранда гриппини келтириб чиқарадиган РНК-вирус А тоифадаги грипп вируслари турига, Ортомйховиридаэ оиласига мансуб. Унинг қобиғидаги оқсиллар (гемагглутинин ва нейраминидаз) турига қараб, парранда гриппининг турли хил антиген турлари ажратилади. Одамлар учун энг хавфлиси H5N1 ва H7N7 штаммлари бўлиб, улар тезда мутацияга учрайди. Касалликнинг оғир шакли яшин тезлигида ривожаланди ва юқори даражадаги ўлимга олиб келиши мумкин. Айниқса, бу штаммлар мавсумий ва чўчқа гриппи вируслари билан биргаликда хавфли. Шунингдек, паст патогенли H7N9 вируси туфайли ҳам келиб чиққан парранда гриппи ҳоллари учраган, асосан бошқа касалликлар билан оғриган беморларда. Парранда гриппи вируси паст ҳароратларда узоқ вақт давомида сақланиб туриши мумкин, лекин қайнатилганда 2-3 дақиқадан сўнг нобуд бўлади.

Инфекция манбаи парранда гриппи вирусини ичагида олиб юрувчи ва ташқи муҳитга ахлат орқали чиқарувчи ёввойи сув қушлари (ғозлар, ўрдаклар) ва хонаки паррандалардир (товуқлар, курка). Мавсумий миграция туфайли ёввойи қушлар вируснинг катта масофаларга кўчиришга қодир. Инсоннинг касалланиши инфекцияланган ёки касалликдан нобуд бўлган қуш билан алоқа қилиш орқали ҳаводан ва фекал-орал йўли орқали кечади. Вируснинг инсондан инсонга юқиши ҳоллари қайд қилинмаган. Паррандачилик фермалари, зоотехниклар, ветеринария ходимлари ишчиларида парранда гриппи билан касалланиш хавфи юқори бўлади.

Парранда гриппи вируси билан инфекцияланган паррандаларда тормозланиш, юришининг бузилиши, ташналик билан сув ичиши, патлари ҳўппайиши, турли товушларни чиқариши кузатилади. Кўзлари ва шиллиқ пардалари қизариб кетган, бурун йўлларидан ажраламалар ажралади; диарея, тутқаноқлар мавжуд. Ўлимидан олдин тожи ва сирғаларида кўкариш кузатилади. Ўлган қуш очиб кўрилганда нафас олиш шиллиқ қаватларида, ошқозон-ичак тракти, буйрак ва жигарда кўп қон кетганлиги аниқланади. Паррандаларнинг кўп йўқотилиши сабабли, парранда гриппи кўпинча "товуқ вабоси" деб ҳам номланади.

**Парранда гриппини ташхислаш ва даволаш...**

Касалликнинг дастлабки даврида парранда гриппининг белгилари нормал мавсумий гриппга ўхшайди, бу эса ташхисни мураккаблаштиради. Бундан ташқари, парранда гриппини парагрипп, аденовирус, риновирус, респиратор синдициал инфекциядан фарқлаш талаб этилади. Парранда гриппини ташхислашнинг асосий мезонлари минтақада эпидемиянинг мавжудлиги, касалланган парранда билан алоқа бўлганлиги, юқори иситма, ич кетиши, прогрессив пневмониянинг кузатилишидир. Кўкрак қафаси рентгенографиясида касалликнинг эрта даврларидаёқ ўпка тўқимасида бирлашиши ва тез тарқалиши мумкин бўлган кўплаб яллиғланиш инфилтратлари аниқланади. Парранда гриппини тасдиқлаш иммунологик (ИФА), молекуляр-генетик (ПЗР), вирусологик усуллар билан амалга оширилади.

Парранда гриппи шубҳа қилинган ёки аниқланган беморлар инфекцион стационарларга ётқизилади. Вирус репликацияни камайтирадиган ва омон қолиш истиқболларини яхшилайдиган антивирус препаратлар ёрдамида касалликни этиотроп усулда даволаш амалга оширилади. Уларнинг орасида энг самаралилари Оселтамивир, Занамивир, Римантадин ва Уфифеновир сананлади. Юқори иситмада иситма туширувчи препаратлар (паратсетамол, ибупрофен) берилади. Парранда гриппини даволашда асетилсалитсил кислотаси (Аспирин) ва метамизол натрийни қўллаш қатъий равишда тақиқланади. Бактериал асоратлар ривожланганда антибактериал препаратлар берилади.

**Парранда гриппини олдини олиш ва касаллик якуни...**

Парранда гриппидан кейин шаклланган иммунитет қисқа муддатли ва турга хос бўлади. Бу бошқа мавсумда яна касалланиш эҳтимоли мавжудлигини англатади. Парранда гриппининг энг патоген штаммлари оқибатида инфекцион касалликлар келиб чиқиши билан ўлим даражаси 50-70% ни ташкил қилади. Энг нохуш тахминларга кўра, А вируси (H5N1) бутун дунёда парранда гриппи пандемиясини келтириб чиқариши ва 150 миллион одамнинг ўлимига сабабчи бўлиши мумкин.

Парранда гриппи вируси билан касалланган қушлар қириб ташланади. Инфекция эпизоотикасини назорат қилиш воситаси сифатида паррандаларни эмлаш қўлланилади. Инсонларда парранда гриппининг олдини олиш иммунитет тизимини мустаҳкамлашга, профилактика тартибига кўра антивирус препаратларни қўллашга қаратилган. Иложи бўлса, маҳаллий ва ёввойи қушлар билан яқин алоқа қилмаслик, парранда гўшти ва товуқ тухумларини тайёрлашда эҳтиёт чораларини кўриш керак. Гриппга қарши вакцина асоратлар хавфини, шунингдек, парранда гриппи вирусининг юзага келиши мумкин бўлган мутациясини ва кишидан кишига юқиши эҳтимолини камайтириши мумкин.

**Ҳ.ОҚМУРОДОВ,**
**Ангор туман ФВБ Профилактика ва назорат бўлинмаси профилактика ва назорат бўйича инспектори капитан**

## ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Статистик маълумотларга қараганда, республикамизда сўнгги тўрт йил ичида кузги қишги иситиш мавсумида содир бўлаётган фавқулодда ҳолатларнинг аксарияти айнан ис гази билан боғлиқ. Маълумки ис гази (СО) рангсиз, хидсиз, корхона шароитида энг кўп учрайдиган заҳарлик бирикма бўлиб, табиий газ, ёқилғи, кўмир, ўтин чўғларининг чала ёниши оқибатида ҳосил бўлади. Тутун таркибида 3 фоиз ишланган газда 13 фоиз, портловчи газлар таркибида эса 50-60 фоизгача ис гази бўлади.

Ис гази организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Ушбу газ гемоглабин билан кислородга нисбатан 300 маротаба кучли бирикма-карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти кескин пасайиб, гипоксияга, оғир ҳолатларда эса аноксияга олиб келиши ҳамда шу тариқа инсон ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Таҳлилларга кўра ис газидан захарланиш ҳолатларининг аксарияти қуйидаги сабабларга кўра юзага келмоқда:

Фуқаролар томонидан газ ва мобил ёқилғи (кўмир, ўтин ва бошқа) турларидан фойдаланишда хавфсизлик чораларига риоя этмаслик;

Ностандарт (қўлбола ясалган) ёки сертификатга эга бўлмаган иситиш печлари ва анжомларидан фойдаланиш;

Иситиш печларининг дудбуронларини нотўғри ўрнатиш;

Газ ёки бошқа муқобил ёқилғига мослаштирилган иситиш печлари (анжомлари)ни дам олиш (ухлаш) хоналарига олиб кириш;

Ҳаво алмашмайдиган хоналарни иситишда очиқ олов (кўмир ва ўтин чўғлари)дан фойдаланиш;

Ҳавони алмаштирувчи шамоллатиш шахталари ёки туйнукларни беркитиб (тўсиб) қўйиш;

Ис газидан сақланиш учун турмуш шароитида газ, кўмир, ўтин ва бошқа ёнувчи воситалардан фойдаланишда юқорида кўрсатиб ўтилган омилларга эътибор қаратиш лозим бўлади.

**Н.ДОНАЕВ,**
**Ангор туман ФВБ П ва Н бўлинмаси П ва Н бўйича етакчи инспектори.**

Ангор тумани «Янги турмуш» МФЙда яшовчи Бозорқулов Сайиджон Ражабовичга тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси тушириб қолдирилган. Ушбу гувоҳномани топиб олганлар 945179393 телефон рақамига қўнғироқ қилишлари сўралади.

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ангор тумани «Қадимий Ангор» МФЙда яшовчи Иргашева Бўрининг фуқаролик паспортлари йўқолганлиги учун бекор қилинади.

Ангор туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда Мухаммадиева Зиёда Қулмурод қизи номига берилган UM № 0548229 рақамли аттестат йўқолганлиги учун бекор қилинади.

Ангор туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1994 йилда Муслаев Зойир Ашуркулович номига берилган А № 475085 рақамли аттестат йўқолганлиги учун бекор қилинади.

Ангор туманидаги 10-умумий ўрта мактаб томонидан Шомуратова Жавхар Ураловна номига 2004 йилда берилган № 1687410 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги учун бекор қилинади.

Ангор туманидаги «ANGOR-FAYZ» МЧЖнинг тамғаси ва думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ангор тумани «Наврўз» МФЙда яшовчи Султонов Зоир Тўхтамишевичнинг ҳамда «Кайран» МФЙда яшовчи Хасанов Чоршанби Тухтамишовичларнинг ҳайдовчилик гувоҳномалари йўқолганлиги учун бекор қилинади.

Ангор тумани «Янги турмуш» МФЙда жойлашган марҳум Назаров Пўлат Назаровичга тегишли уй-жойнинг кадастр хужжатлари жамламаси йўқолганлиги учун бекор қилинади.

### Тугатилади

Ангор тумани «Шарқ гули» МФЙда жойлашган «Тангем» оилавий корхонаси банкрот бўлганлиги сабабли тугатилади.

# ХАЗОНЛАРНИ ЁҚИШНИНГ ИНСОНЛАРГА ВА ТАБИАТГА ЗАРАРИ

Табиатда барча нарсалар мутаносиб қилиб яратилган. Яшил барглар ва майсалар ўсимликларни озуқа моддалари билан таъминлайди. Қуёш нури таъсирида карбонат ангидрит газини ютиб, кислород чиқаради. Ўсимликлар ҳаводан автомобиллардан чиқадиган заҳарли газлар, заводлар чиқарадиган заҳарни унсурларни ўзига ютиб олади.

Кузда қуриган, сарғайган барглар тўкилиб ер юзини қоплайди. Табиий тўкилиш асосида барглар ер юзасига тушиб инсон ва табиат учун зарарсиз ҳолатда бўлади. Лекин биз тозаликка эришиш мақсадида қуриган баргларни тўплаб ёқишни бошлаймиз. Натижада баргларда тўпланган заҳарли газлар яна атмосферага чиқади. Кўпинча хазон билан бирга пластик идишлар, полиэтилен пакетлар ҳам қўшиб ёқилади ва натижада ўзига хос заҳарли коктейл ҳосил бўлади.

Қуриган барглар ёқилганда ҳосил бўладиган тутундан минглаб одамлар нафас олиб соғлигини хавф остига қўяди. Биринчи навбатда инсоннинг ўпка тизими зарарланади. Заҳарли моддалар қон орқали бутун танага тарқалиб буйрак, жигар, бош мия ва нерв системасига катта зарар етказади.

Мутахассислар ҳисоб китобига кўра 1 тонна қуриган барг ёнганда ҳавога 9 кг гача тутун микрочастицалари ажралади. Бу микрочастицалар таркибига: чанг, азот оксиди, из гази, оғир металлар ҳамда инсон учун энг хавфли моддалардан-диоксин ва диоксан киради. Бу заҳарли моддалар инсон организмига тушгач иммун тизимини зарарлайди, гормон ва витаминлар фаолиятини издан чиқаради.

Шунингдек қуриган майса ва баргларни ёқиш натижасида тупроқ қатламининг фойдали микроорганизмлари-ёмғир чувалчанглари, майда ҳашаротлар нобуд бўлади. Эслатиб ўтамизки дала ва аҳоли пунктларида анғиз, хазон ва шохшаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса, Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 88-модда 3-қисмига асосан фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса-беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**Ф.ПИРМАТОВ,**
**Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Ангор туман инспекцияси бош мутахассиси давлат инспектори.**

# Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5655 сонли фармонига асосан "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш" концепцияси тасдиқланди.

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш босқичлари халқаро тавсиялар ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишлари уч босқични ўз ичига олиб, уларнинг доирасида тадбирлар ҳам босқичма-босқич, ҳам бир вақтнинг ўзида ўтказилади.

**Биринчи босқичда** (3 йилга яқин даврда) қуйидагилар амалга оширилади:

аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш, ўтказиш тамойиллари, услубий асослари ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

аҳолини рўйхатга олиш дастурини, рўйхатга олиш варақалари бланкларини, аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижаларини олиш ва эълон қилиш методологиясини ишлаб чиқиш;

синов асосида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ташкил этиш, унинг натижаларини таҳлил қилиш ва унинг асосида методологик ҳужжатларни такомиллаштириш;

хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйларнинг рўйхатини тузиш ва аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режаларини тузиш;

замонавий хариталаш технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, унинг ўтказилишини назорат қилиш, якуний натижаларни олиш ва тақдим этишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш;

ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш;

рўйхатга олиш варақаларини ва бошқа ҳужжатларни чоп этиш;

моддий-техника таъминоти воситаларини тайёрлаш ва (ёки) харид қилиш, шунингдек, уларни рўйхатга олиш участкаларига етказиш;

рўйхатга олиш участкаларини бино, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

рўйхатга олиш тадбирида вақтинчалик иштирок этувчи ходимларни ўқитиш;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа ишлар.

**Иккинчи босқичда** (10 кундан 60 кунгача бўлган даврда) бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади.

**Учинчи босқичда** (2 йилдан 3 йилгача бўлган даврда) қуйидагилар амалга оширилади:

аҳолини рўйхатга олишга доир бирламчи материалларни, маълумотларни қайта ишлаш бўйича ихтисослашган тузилмалар томонидан қабул қилиб олиш;

аҳолини рўйхатга олиш материалларини автоматлаштирилган тизимда қайта ишлашга тайёрлаш;

бирламчи маълумотларни киритиш, кодлаш, назорат ва таҳрир қилиш;

аҳолини рўйхатга олиш бўйича дастлабки натижаларни олиш;

аҳолини рўйхатга олиш натижаларини эълон қилиш ва тарқатишдан иборат.

**А.ХУДОЯРОВ,**
**туман статистика бўлими бошлиғи**

### Ангор туманида корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи (2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

*(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)*

| Кўрсаткич номи | Рўйхатга олинганлар | | Фаолият кўрсатаётганлар | |
|---|---|---|---|---|
| | бирлик | якунга нисбатан фоизда | бирлик | якунга нисбатан фоизда |
| **Жами** | **1 185** | **100** | **1 153** | **100** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 107 | 9,0 | 106 | 9 |
| саноат | 208 | 17,6 | 201 | 17,4 |
| қурилиш | 148 | 12,5 | 141 | 12,2 |
| савдо | 328 | 27,7 | 317 | 27,5 |
| ташиш ва сақлаш | 22 | 1,9 | 22 | 1,9 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 75 | 6,3 | 73 | 6,3 |
| ахборот ва алоқа | 7 | 0,6 | 7 | 0,6 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 14 | 1,2 | 14 | 1,2 |
| бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 276 | 23,3 | 272 | 23,6 |

### Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолият турлари бўйича сони

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Жами** | **1006** | **100** | **977** | **100** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 105 | 10,4 | 104 | 10,6 |
| саноат | 207 | 20,6 | 200 | 20,5 |
| қурилиш | 148 | 14,7 | 141 | 14,4 |
| савдо | 327 | 32,5 | 316 | 32,3 |
| ташиш ва сақлаш | 21 | 2,1 | 21 | 2,1 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 75 | 7,5 | 73 | 7,5 |
| ахборот ва алоқа | 7 | 0,7 | 7 | 0,7 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 13 | 1,3 | 13 | 1,3 |
| бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 103 | 10,2 | 102 | 10,4 |

# Хиросима ва Нагасаки фожиаларига 75 йил бўлди

XX аср! Инсоният тарихида энг қонли, энг фожиали аср. Бу асрда бўлиб ўтган икки жаҳон уруши ортидан содир бўлган мислсиз вайронагарчилик, ўн миллионлаб қурбонлар, АҚШ—Веътнам уруши, Собиқ Иттифоқнинг Афғонистонга бостириб кириши, аср сўнгида собиқ Югославиянинг парчаланиши ортидан содир бўлган Болқон фожиалари — булар бир аср учун жуда кўплик қилади. Энг ёмон тарафи, бу мислсиз фожиалар, жаҳон урушлари инсоният тараққиётга эришиб, кимларнингдир фикрича "ўрта асрлар ёввойилигидан қутулиб, инсоният юксак маданий тараққий этган давр"да содир бўлди. XX аср фожиаларига қараб, айнан уруш чиқариш, вайронагарчилик "инсониятнинг маданий тараққий этишига боғлиқ эмас" деган фикр хаёлга келади. Сабаби, бугун — XXI асрнинг 20-йилида ҳам инсоният ҳарбий харажатлар учун кўп маблағ ажратяпти. ҳанузгача дунё тинч эмас.

XX асрнинг энг фожиали ҳолати Иттифоқчиларнинг фашист Германияси шериги бўлмиш Японияга уруш эълон қилиш ортидан Осиёдаги империя урушда ҳолдан тойиб, мағлуб бўлиши арафасида мамлакатнинг икки шаҳрида тинч аҳоли устига АҚШ ҳарбийлари томонидан атом бомбаси ташланиши бўлган. Бугун ўша воқеаларга 75 йил бўляпти.

1945-йил 16-июлда АҚШнинг Нью-Мексико штатидаги полигонда дунёдаги илк атом бомбаси синови муваффақиятли ўтказилди. Портлаш кучи 21 килотонна тротилга тенг бўлди.

Ўша йили 24-июлда Потсдам конференцияси доирасидаги учрашувда АҚШ президенти Гарри Трумен СССР раҳбари Сталинга АҚШ дунёни ларзага солиши мумкин бўлган янги қурол яратганини айтди.

1945-йил 25-июлда президент Трумен 3-август куни Хиросима, Кокура, Ниигата ёки Нагасаки шаҳарлари йўналишидан бирини танлаб, атом бомбасини ташлаш ҳақида буйруқ берди. Бирданига бир нечта шаҳар рўйхати берилишининг сабаби, бир шаҳарда бомба ташлашга об-ҳаво халақит берса, бомба иккинчи шаҳарга ташланиши режа қилинган.

1945-йил 6-август куни эрталаб АҚШ нинг Б-29 Энола Гай номли бомбардировкачи самолёти экипаж командири полковник Пол Тиббетс бошчилигида Япониянинг Хиросима шаҳрига Литтле Бой ("Кичик бола") деб аталган атом бомбасини ташлади. Бу бомбанинг кучи 13–18 килотонна тротил эквивалентига тенг эди.

Орадан уч кун ўтиб, 1945-йил 9-август куни Фат Ман ("Бақалоқ") атом бомбаси Нагасаки шаҳрига ташланди. Бу бомбанинг кучи 21 килотонна тротил эквивалентига тенг эди. Нагасаки шаҳрига атом бомбасини учувчи Чарлз Суини бошлиқ бўлган Б-29 Боксссар самолёти ташлади.

Ўшанда Хиросимада 166 минг киши ҳалок бўлгани манбаларда келтирилади. Нагасакида 80 минг киши ҳалок бўлган.

АҚШ Япониянинг икки шаҳри устига ташлаган атом бомбалари Токио taслим бўлишини тезлаштирган бўлсада, жаҳон афкор оммасининг танқидига учради. Дунё бўйлаб жуда кўплаб таниқли инсонлар АҚШнинг бу ишини қаттиқ қоралаб чиқади, уни инсониятга қарши жиноят деб баҳолади.

Хиросима денгиз сатҳидан бироз баланд, Ота дарёсининг икки соҳили бўйлаб жойлашган шаҳардир. Шаҳарда урушгача 340 минг аҳоли яшаган. Ўшанда у аҳоли сони бўйича Япониянинг еттинчи шаҳри эди.

Трумен биринчи бомбани Хиросима, Кокура ёки Нагасакига 3-августда ташлашга кўрсатма берган бўлишига қарамай, бомба 6-август куни ташланишининг сабаби ҳаво ўша кунга қадар булутли бўлди, шу туфайли Труменнинг буйруғини бажариш уч кун орқага сурилди.

Эрталаб соат саккизларда Япония радарлари мамлакат томонга қараб учиб келаётган бир нечта АҚШ самолётларини пайқади. ҳаво тревогаси эълон қилинди. Орадан бироз ўтиб, АҚШ самолётлари учта экани аниқ бўлгач, ҳаво тревогаси бекор қилинди. Бу пайтда АҚШнинг учта разведкачи самолёти асосий гуруҳдан узилиб, уч шаҳар — Хиросима, Кокура ва Нагасаки осмони ҳолатини билиш учун алоҳида учиб кетган эди.

Япония ҳарбийлари ёқилғи тежаш мақсадида ҳавога, АҚШ самолётлари рўпарасига самолёт чиқармади ва одатдагидай радио орқали аҳолини бомба ҳужумидан пана жойларга бекинишга огоҳлантирди.

Маҳаллий вақт билан соат саккиздан сал ўтиб Б-29 9 километр баландликдан атом бомбасини пастга ташлади. Бомба ерга етмасдан 500 метр баландликда портлади.

Бомба портлаши оқибатида ҳавода кучли гумбурлаш ва чақин содир бўлди, ерга жудаям кучли иссиқ шамол йўналди. Иссиқ шамол сониялар ичида ерга етиб борганда уйларнинг ёнаётган қисми ўт олди. Ойналар аввалига синиб тўкилди, сўнг эриб оқди. Эпицентрдан 2 километр радиус атрофидаги одамлар иссиқнинг кучлилигидан кўмирга айланиб қолди. Портлаш кучи шунчалик эдики, унинг тўлқини эпицентрдан 19 километргача бўлган масофадаги ойналарни синдириб юборди.

Портлашдан икки дақиқа ўтиб бутун шаҳар олов ичида қолди. Портлаш оқибатида юзага келган тўлқиннинг тезлиги секундига 50–60 метр тезликда бўлди ва бу оловни баттар кучайтириб юборди. Эпицентрдан узоқроқда бўлган кўплаб аёллар, болалар, қариялар ёнғиндан қочишга улгурмай ҳалок бўлди.

Атом бомбаси портлашидан бир неча кун ўтиб, япон тиббиёт ходимлари нурланишнинг илк симптомларини аниқлади. Одамлар орасида қўрқинчли касаллик ҳақида ваҳима тарқалди. Портлашдан омон қолган одамлар энди кучли нурланишдан ҳалок бўла бошлади.

Нагасаки шаҳри атом бомбаси ташлангунга қадар жиддий ҳужумга учрамаган ва вайрон бўлмаган эди. Шаҳарда атом бомбаси ташланиши арафасида 200 минг одам бўлган. АҚШ ҳарбийлари Нагасакига атом бомбаси ташлашни 11-августга мўлжаллаган эди. Аммо метереологлар 10-августдан булутли ҳаво бошланишини маълум қилганидан сўнг Нагасакига бомба ташлаш режаси икки кун олдинга сурилди.

Маҳаллий вақт билан соат 10:56 да Нагасакига етиб келган Б-29 шаҳарни булут билан қопланган устидан чиқди. Суини шаҳар объектларини аниқроқ кўриш учун самолётни бироз пастлатди. Шунда унинг ёрдамчиси Кермит Бихан шаҳар стадионини илғаб қолди, шундан сўнг бомба пастга ташлаб юборилди. Буёғи Хиросимада қандай бўлган бўлса, шу тарзда содир бўлди.

Уруш тугади. Япония мағлуб бўлиб, ғолибларга компенсация тўлади. Мамлакат тинч ривожланишга ўтди. Хиросима ва Нагасаки ҳам қайта тикланди. Аммо бу икки шаҳарда ташланган атом бомбаларидан мерос бўлиб юқори радиация таъсири сақланиб қолди. Узоқ йиллар бу шаҳарларда касалликлар, болаларнинг радиация юқорилиги туфайли ногирон туғилиши ҳолатлари давом этди.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб 90-йилларигача Ер юзида мингдан ошиқ ядро қуроли синови ўтказилди. Бугун ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг қуролни синовдан ўтказиш ва унга эга бўлиш учун қилган умумий харажатларини ҳисобласа, нечадир юз миллиард доллардан ошиб кетади. Биргина Хитойнинг ўзи физика-ядро лабораториялари, уранни бойитиш заводи, ядро қуролини синовдан ўтказиш полигонини қуриш ва керакли мутахассисларни ўқитиб тайёрлаш ва ниҳоят ядро қуролини синовдан ўтказиш учун ўтган асрнинг 60-йилларида қарийб 10 миллиард доллар харажат қилган эди. Энди қурол арсеналлари таркибида минглаб атом бомбалари ва бошқа ядро қуролларини ишлаб чиқариб сақлаётган АҚШ ва Россиянинг бу соҳада қилган ва қилаётган харажатларининг ҳисоби йўқ.

**А.ШАРИПОВ,**
**Ангор туман ФВБ ФВДТ ва ФМ фаолиятин ташкиллаштириш, хавфсизлик тарғиботи бўлинмаси бошлиғи лейтенант.**

## *Шеърий топишмоқлар*

*Қуёшдан чирой олиб,*
*Дилларга шодлик солиб,*
*Кўринар ўзи тунда,*
*Нур сочур унда-мунда.*
(Юлдуз).

*Тўртта ҳарфли сўзи бор,*
*Муштайгина ўзи бор,*
*Ичкарида туради,*
*Тун кун дик-дик уради.*
(Юрак).

*Бир парча ўт жилади,*
*Қадрин ҳамма билади,*
*Ёнади ўзи лов-лов,*
*Либоси иссиқ олов,*
*Унинг ҳеч йўқ ўтини,*
*Кўринмайди тутуни.*
(Қуёш).

*Ўзи келиб қолади,*
*Қахрин ишга солади,*
*Кўринмай келиб йўлсиз,*
*Чимчилаб олар қўлсиз,*
*Захрин сочар кун тунда,*
*Ўжар шамол бор унда.*
(Қиш).

***Бобомурод ЧОРИ ўғли,***
***Ангор тумани "Кайран" маҳалласи.***

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Қадим юртга қолган наволарим,
Яшаб бу заминда боболарим.
Тупроғи зар, суви олтин, бўстоним,
Номи оламга кетган Ўзбекистоним.

Тўмарисдек бўлган жасур момоларим,
Барчинойдек шўх шаддод сулувларим.
Келажакда сизлар менинг изларим,
Тарихларда достонсан Ўзбекистоним.

Мустақилсан бугун юртим ота маконим,
Бағрингга эсдику жаннат шамоли.
Бугун эл оғзида, хур истиқлолим,
Жаннатим онамсан Ўзбекистоним.

Алломалари бисёр авлодларим,
Навойи, Бобур каби шоирлари.
Қиличин даст кўтарган Темурлари,
Ўғлонлари мард Ўзбекистоним.

Замин узра порласин куёшинг,
Дастурхондан узулмасин нон-у ошинг.
Омон бўлсин бахтимизга юртбошим,
Мустақиллик муборак Ўзбекистоним.

**Дилафрўз РЎЗИЕВА**
**Ангор тумани 3-сонли умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

## ОНА ДИЁРИМ

Қишларида баҳор шивирлаб,
Яхшиликка бурканар доим.
Боғларида булбул навоси,
Гўзалсан бунчалар она диёрим.

Сен бугун улғайдинг яна бир ёшга,
29 йиллик тўйинг муборак.
Шу чаманда ўтди ҳар лаҳза оним,
Умрим бахшидадур она диёрим.

Осон бўлмади бу кунга етмоқ,
Усмон, Чўлпон, Абдуллани унутмоқ.
Бугун мустақилсан Ўзбекистоним,
Мадҳингни куйлайин она диёрим.

Тарихда қолди бариси ишон,
Юксалдинг парвоз эт, энди кўкларга.
Виқор-ла қулоч ёз, синмас қанотим,
Келажаги порлоқ она диёрим.

Бошингда азиз бир юртбошинг,
Ғамхўр, меҳрибон, ажойиб ота.
Номинг жаҳонга машҳур достоним,
Юртбошинг яшасин она диёрим.

**Зебо ЧОРИЕВА,**
**Ангор тумани 3-сонли умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

Ангор туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда «Ангор ёғдуси» газетаси меҳнат фахрийси, фаол жамоатчи
**Назарулла Кўнгиротов**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади

Ангор ёғдуси

МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Ангор туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги.

Муҳаррир:
ЭШМУРОДОВ РУСТАМ РЎЗИБОЕВИЧ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Чориев (ҳайъат раиси), Ш.Муродов, А.Саидов, А.Қораев, Ш.Омонов.

Газета 2012 йил 6 декабрда вилоят матбуот ва ахборот худудий бошқармасида 11-054 рақами билан қайта рўйхатга олинган. Нашр индекси 48643. Буюртма ____. 2100 нусхада босилади. Ҳажми -2 босма тобоқ. Бичими А-2.
ISSN-2181-7014

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Интернетдаги сайтимиз: http://angoryogdusi.uz/

Газета "Ангор ёғдуси" компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: С.Рахматов
Оператор: С.Қобулова

Таҳририят манзили: Ангор қўрғони, 8-Март кўчаси 15 уй. Тел: 31-21-367.
Сотувда эркин нархда.
**Навбатчи муҳаррир : С.Рахматов**

Газета «Noshir lux» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Топшириш вақти 11.00 Топширилди 11.30.